



Journal of Natural Sciences

№2
(2021)

<http://www.natsciences.jspi.uz>



<u>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, Жиззах давлат PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Кодиров Т- к.ф.д, профессор3. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор4. Султонов М-к.ф.д, доц5. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.6. Хакимов К –г.ф.н., доц.7. Азимова Д- б.ф.н.8. Мавлонов Х- б.ф.д., доц9. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.10. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)11. Мухаммедов О- г.ф.н., доц12. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)13. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц14. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчиб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА
ҚИЗИЛМИЯ ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШ

Абдуҳакимов Иброҳим Зафарович талаба

Денов тадбиркорлик ва педагогика институт

Менглиева Дилором Тиллаевна

5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Аннотация: Ҳозирги кунда иқлим ўзгариши натижасида ер ресурслари деградацияси каби муаммолар сабабли озик-овқат маҳсулотларини ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш ва ишлаб чиқариш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Сурхондарё сахро чўл минтақаси иқлим шароитида, қийин млиорацияланувчи, шўрланган ва унумдорлиги паст ерларда, доривор қизилмия ўсимлигини илдизидан етиштириш технологияси, дориворлик хусусияти ва озик-овқат саноатини ўрганиш.

Калит сўзлар: Сурхондарё воҳаси, географик жойлашуви, ўсимликлар қоплами, туроқ иқлим шароитига ўсимликларнинг мослашуви.

Аннотация: В настоящее время в связи с такими проблемами, как деградация земельных ресурсов в результате изменения климата, вопросы выращивания и производства пищевых и лекарственных растений, обеспечения их безопасности остаются актуальными. Изучение технологии выращивания корня солодки лекарственного, лечебных свойств и пищевой промышленности в климатических условиях Сурхандарьинской пустынной области, на труднооминерализируемых, засоленных и малопродуктивных почвах.

Ключевые слова: Сурхандарьинский оазис, географическое положение, растительный покров, адаптация растений к климатическим условиям.

Annotation: At present, due to problems such as degradation of land resources as a result of climate change, the issues of cultivation and production of food and medicinal plants, ensuring their safety remain relevant. Study of the technology of cultivation of medicinal licorice root, medicinal properties and food industry in the climatic conditions of the Surkhandarya desert region, in difficult-to-mineralize, saline and low-yielding soils.

Keywords: Surkhandarya oasis, geographical location, vegetation cover, adaptation of plants to climatic conditions.

Сурхондарё воҳаси Ўзбекистоннинг энг жанубида жойлашган. У ўз ичига Сурхон – Шеробод водийсини ва унинг атрофини ўраб турган тоғларни олади. Ўлка шарқдан ва шимоли – шарқдан Боботог ва Ҳисор тоғлари орқали

Тожикистон билан чегараланади, чегара Чақчар ва Бойсун тоглари орқали ўтади. Ғарбда Туркманистон билан бўлган чегара Кўхитанг тогининг сувайиргич қисмидан ўтади.

Жанубда чегара Афғонистон билан Амударё орқали ўтган давлат чегарасига тўғри келади. Вилоят денгиз сатҳидан 300-4688 метргача баландликда жойлашган. Шимолдан – жанубгача 200 км ғарбдан шарққа 160 км га чўзилган.

Мақсад. Сурхондарё иқлим шароитида доривор қизилмия ўсимлигини шўрланган ерларда, балл-бонитети паст бўлган майдонларда экиш, плантацияларини ташкил қилиш, маҳсулдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Сурхондарё воҳасининг иқлими қуруқ субтропик иқлим. Лекин атрофидаги тоғларга кўтарилган сари иқлим ўзгаради. Ўлканинг текислик қисмида ёз серкуёш, иссиқ ва қуруқ, тоғ томон кўтарилган сари ҳарорат пасайиб боради. Қиш қисқа ва илиқ, лекин атрофдаги тоғларда совуқроқ бўлади. Ёзда ўлканинг текислик қисми жуда иссиқ кетади. Июлнинг ўртача ҳарорати Деновда $+28,2^{\circ}\text{C}$, Шерободда $+32,1^{\circ}\text{C}$ га етади. Ёзда ҳаво ҳарорати Термизда $+50^{\circ}\text{C}$ га кўтарилганлиги кузатилган. Бу Республикамизда қайд қилинган энг юқори ҳароратдир.

Қиш воҳанинг текислик қисмида илиқ бўлиб, январнинг ўртача ҳарорати Шеробод ва Термизда $+2,8^{\circ}\text{C}$ га тенг. Лекин атрофдаги тоғларнинг 2500-3000 м баландликларида январнинг ўртача ҳарорати -6°C дир. Баъзан қишда совуқ ҳаво массалари тоғлардан ўтиб, текислик қисми ҳароратини пасайтириб юборади. Шундай кезларда ҳаво ҳарорати -20° - 25°C гача пасаяди.

Сурхондарё воҳасида ёгинлар нотекис тақсимланган. Жанубий туманлардаги текисликларга энг кам ёгин (йилига 133-230 мм) тушади, лекин тоғ ёнбагирлари бўйлаб кўтарилгач ёгин миқдори ортиб, 500-600 мм га етади. Ҳисор тоғларининг жанубий ёнбагирларига 800-900 мм гача ёгин тушиши мумкин йиллик ёгиннинг кўп қисми қишда (46-48 фоиз) ва баҳорда (43-44 фоиз) ёғади. Куз ойларига йиллик ёгиннинг 8-10 фоизи ёз фаслида эса атиги 1-2 фоизи тўғри келади.

Сурхондарё вилоятининг табиий географик жойлашуви бўйича денгиз сатҳидан 500 метр баландликгача бўлган жойларида оч бўз тупроқ тарқалган. Ер ости сувлари ер юзига яқин бўлган жойларда шўрланган бўз тупроқ учрайди. Сурхондарё ва Шеробод дарёларининг баъзи жойларида аллувиал – ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар учраса, жанубий қисмидаги қум массивларида қумли ва қумлоқ тупроқлар учрайди. Ўлканинг 500 м дан 1200м

баландликкача қисмида оддий ва тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган Бундай тупроқлар кўп жойларда ўзлаштирилиб маданий бўз тупроққа айлантирилган.

Сурхондарёнинг денгиз сатҳидан 1500-2500 м дан баландда бўлган тоғ ёнбагирларида тоғ-жигарранг тупроқлар тарқалган бўлиб, таркибидаги чиринди миқдори 4-6 % га боради. 2500 м дан юқорида яйлов минтақаси бошланиб тоғ-ўтлок, ўтлок, ўтлок – ботқоқ тупроқ учрайди.

Иқлим хусусиятлари бўйича Сурхон воҳасининг сугориладиган ерларини иккита қишлоқ хўжалик минтақасига ажратиш мумкин.

Ҳозирги кунда дунёда иқлим ўзгариши, ер ресурслари деградацияси каби муаммолар сабабли озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш ва ишлаб чиқариш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари долзарблигича қолмоқда. Жумладан, қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш, плантацияларини ташкил қилиш ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция дастурлари ва лойиҳаларининг амалга оширилишида, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 февралдаги 138-сонли “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори, айниқса, бу борадаги юмушларни янги босқичга кўтариши билан аҳамиятлидир. Негаки, ушбу қарорга биноан “Қизилмия ўсимлигини етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмаси”ни ташкил этилди ва 2019 — 2023 йиллар мобайнида қизилмия экишни Қорақалпоғистон Республикасида 25000 гектарга етказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, қизилмиянинг балл-бонитети паст бўлган майдонларда экилиши кўрсатиб ўтилди. Чунки 5 йил давомида қизилмия ўстирилган ерда тупроқнинг шўрланганлик даражаси 2,5 баробаргача камайиб, азот, гумус билан тўйинади.

Қизилмия илдизларидан тайёрланган куруқ ва қуюқ экстрактлар шамоллаш, сил ҳамда ўпка, жигар, нафас йўллари ва юк-қон томирлари касалланганда, модда алмашинувини меъёрига келтиришда, бўғма, онкологик, овқатдан захарланиш, ошқозон, меъда ҳамда ўн икки бармоқли ичак ярасида, тери куйиши, шунингдек, бошқа хасталикларда тавсия этилади.

Озиқ-овқат саноатида қизилмия илдизидан калориясиз ичимликлар, қандолатчилик ва нон маҳсулотлари, мураббо, шинни, консерва, озуқа концентратлари, сақич, тиш пастаси ҳамда бошқаларни тайёрлашда фойдаланилади. Енгил саноатда рангли бўёқлар олинса, металлургия саноатида металлларни гидролизлашда, кимё саноатида сиёҳ тайёрлашда, қогозларга ранг беришда қўлланилади. Унинг чиқиндисидан эса қогозли термоизоляция плитаси, қогоз сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

Шу боис бугунги кунда ушбу ўсимликка АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Япония, Германия, Венгрия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа кўпгина давлатларда талаб юкори.

Қизилмия қишлоқ хўжалигида ҳам жуда фойдали. Масалан, ундан ажратиб олинган фаол модданинг 1 миллиграммини 1 литр сувга аралаштириб, картошкага ишлов берилса, куртакларнинг уйғониш кўрсаткичи 28 фоиз ошади. гунчалаш ва гуллаш фазалари тезлашади, натижада хосилдорлик 17 фоиз ортади.

Юртимизда олиб борилган илмий изланишлар туфайли қизилмиянинг морфолого-анатомияси ва репродуктив биологияси, уни турли шароитда ўстириш усуллари ўрганилди. Жумладан, ўсимлик Мирзачўлнинг шўр тупрогида ҳам яхши ривожланиши, тупроқ унумдорлигини оширувчи кучли мелиорант эканлиги исботланган. Бу усул, айниқса, алмашлаб экишда юкори самара бериши аниқланди.

Қизилмия илдизи тупроқнинг гипсли қатламини ҳам тешиб ўтади ва ер ости сувидан озикланади. Шу боис уни табиий намлик шароитида ҳам парваришlash мумкин. Тупроққа ўзининг сирли таъсирини ўтказувчи, ҳеч бир қисми чиқинди сифатида ташлаб юборилмайдиган қизилмия экинзорларини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда қизилмия ўсимлигининг илдизидан олинган курук ва қуюқ экстрактлар медитцина соҳасида ва озик-овқат саноатларида фойдали хусусиятларининг самараси юкори. Қишлоқ хўжалигида ўсимликларнинг вегетация даври тезлашиши ва тупроқ унумдорлигини оширувчи кучли мелиорантдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 138-сон 15.02.2019 қарори.
2. Г.Турсунбоева; Ш.Комилова Ботаника асослари –Т.
3. И.Ҳ.Ҳамдамов; С.Б.Мустанов; Э.И.Ҳамдамова; Г.А.Сувонова Ботаника –Т.2013.
4. С.М. Мустафаев; Ў.А.Аҳмедов; Ботаника. –Т. 2006.